

## ҚАРДОШЛИК RIШТАЛАРИГА АСОСЛАНГАН АБАДИЙ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июнь куни амалий ташриф билан Анқара шаҳрида бўлиб, жорий йил 28 майдаги сайловда Туркия Республикаси Президенти этиб қайта сайланган Режеп Таййип Эрдоғаннинг инаугурация маросимида иштирок этди.**

Эсенбоға халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Туркия ҳукумати вакиллари ва Анқара музофоти раҳбарияти кутиб олди.

Тадбирда дунёнинг 80 га яқин мамлакатлари вакиллари — давлат ва ҳукумат раҳбарлари, парламент спикерлари, юқори даражадаги расмий шахслар ҳамда Туркий давлатлар ташкилоти, Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти, Исломи Ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар раҳбарлари қатнашди.

Маросим чоғида Президентимиз Туркия етакчисини сайловдаги ғалабаси

билан яна бир бор қутлаб, лавозимга киришгани билан табриклади, Туркия халқига катта муваффақиятлар ва фаровонлик тилади.

Тадбир доирасида давлатимиз раҳбари маросимга таклиф этилган мамлакатлар етакчилари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан фикр алмашди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга ташрифи якунланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сураги.

### БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

## МИЛЛИЙ ҒОЯ

**халқни бирлаштирувчи ва ҳаракатга келтирувчи куч**

Дунё миқёсида глобаллашувнинг шиддатли тус олиши хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга оид муаммоларни янада долзарб эканини кўрсатмоқда. Тобора авж олаётган мафқуравий хуружлар, ёт ғоялар таъсирида инсон қалби ва онгини забт этишга бўлган ҳаракат кенгайиб бораётганини кузатиш мумкин.

Президентимиз қайд этганидек, “*Ҳозирги глобаллашув даврида, инсон онги ва қалби учун кураш кучайган бир пайтда турли ғоявий таҳдид ва хуружлар жамиятимизнинг маънавий ҳаётига таъсир кўрсатишининг кучли қурол сифатида намён бўлмоқда*”. Бинобарин, мафқуравий хуружлар инсон эътиқодига, турли дин, миллат ва элатлар ҳамжиҳатлигига раҳна солиш орқали сиёсий таъсир доирасига олиш воситасига айланиб қолаётганини инкор этиб бўлмайди. Зеро, бугунги кунда дунёда шиддатли кечаётган бундай жараёнлар ижтимоий ҳаётнинг



барча жабҳаларига, жумладан, маънавий-мафқуравий соҳаларга ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда. Шундай мураккаб шароитда тинчлик, барқарорликни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар бир давлат олдида турган устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, юртимизда мафқуравий хуружларга

қарши маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини ошириш, мазкур соҳадаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашни, жамиятда мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлаш борасида жиддий фикрлаш тақозо этилмоқда.

► Давоми 3-бетда

### ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

Жорий йил 10 апрелдан 10 майга қадар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши, Транспорт, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида фойдаланишда бўлган автотранспорт воситаларининг экологик ҳолати юзасидан республика миқёсида “Тоза ҳаво” ойлгининг биринчи босқичи ўтказилди.

## ТИРБАНДЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛИШИ ПОЙТАХТИМИЗ ҲАВОСИНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ЯХШИЛАЙДИ?

Ушбу ойллик “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунлар ижроси доирасида ташкил этилиб, асосий эътибор автотранспортлар ташламаларини камайтиришга қаратилди. Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда ишлаб чиқариш корхоналари, автомобиллар сони кўпайиши атмосферага чиқарилаётган ташламалар миқдори сезиларли ортишига сабаб бўляпти.

Бугунги кунда республикада 4 миллионга яқин автотранспорт воситаси мавжуд. Шундан 100 мингтаси носоз ҳисобланади. Улардан атмосферага бир йилда ўртача 1,3 миллион тонна зарарли ташлама чиқади, бу умумий ҳажмининг 63 фоизини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич Тошкент шаҳрида қарийб 90 фоизга бориб қолади. 2022 йил якунига қўра, ҳаво сифати халқаро индексида пойтахтимиз 20-ўринни эгаллаган.

► Давоми 4-бетда



### БИЗ ВА ДУНЁ

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ АЛОҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2 июнь куни Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” иккинчи саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида йиғилганларга Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳақида маълумот берди. Остонада ўтган биринчи учрашувдан сўнг қисқа даврда амалга

оширилган ишларни сарҳисоб қилди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари ва европалик шериклар ҳамкорлигидаги ижобий, сифатли ўзгаришларни қайд этди.

► Давоми 2-бетда

### ТУРИЗМ

## САЙЁҲЛИК СОҲАСИ САЛОҲИЯТИ

**Қатик солинган косани тескари тутса ҳам тўқилмайди. Қандай қилиб?**



Жорий йил 29 март куни Президентимиз раҳбарлигида туризм салоҳиятини ривожлантириш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида хорижий сайёҳларнинг Ўзбекистонда бир кун кўпроқ қолиши эъвазига йиллик туризм экспорт ҳажмини 300 миллион долларга ошириш имкони мавжудлиги, туризм соҳасига берилаётган имтиёزلардан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган эди. Айни пайтда Навоий вилоятида ҳам 3 та туман ва 20 та маҳалла туризмга ихтисослаштирилиб, уларда алоҳида солиқ тартиби жорий қилинди.

► Давоми 5-бетда

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ

ЭНГ МАҚБУЛ ЕЧИМ

ёхуд “яшил энергия”ни жорий этиш бўйича етакчи давлатлар қаторига киришнинг осон усули

Мамлакатимизда sanoatning keskin rivojlanishi, qolaversa, aholi sonining ortishi elektr energiyasiga bulgan talab uysi shiga olib keladi. Bugin yurtimizda ishlab chikarilayotgan elektr energiyasining 90 foizidan ortiqi issiqlik elektr stantsiyalari ulushiga turgu keladi.

Kayta tiklanuvchi energiya manbalari ekologik xijmatdan toza va atrofmuditta hech qanday zarar keltirmaydi. Respublikamizda eng samarali va kulay kayta tiklanuvchi energiya manbalari asosan kuvsh va shamol energiyalari hisoblanadi.

Prezidentimizning “2022-2026 yillar da mujallangan Yangi Uzbekistonning taraqqiyot strategiyasi

turgusida”gi farmonida mamlakatimizda “Yashil iqtisodiyot” texnologiyalarini barcha soxalarda joriy etish orkali 2026 yilga qadar iqtisodiyotning energiya samaradorligini 20 foizga oshirish va xavoga chikariladigan zararli gazlar hajmini 20 foizga qisqartirish choralarini kuryilishi nazarda tutilgan.

Prezidentimizning “2022-2026 yillar da mujallangan Yangi Uzbekistonning taraqqiyot strategiyasi”ni amalga oshirish uchun maza kur va maza kur qurilayotgan keng yulga kuyilmoqda.

diyotning energiya samaradorligini oshirish, muqobil energiya imkoniyatlari va tabiiy resurslardan oqilona foydalанишдан iborat.

Etiborlis, bu borada mamlakatimizda tizimli ishlar amalga oshirilmokda. Nafaqat sanoat tarmoqlari va ijtimoiy soxa obyektlarida, shu bilan birga, aholi urtasida ham muqobil energiyadan foydalaniш afzalliklari, imkoniyatlari va iqtisodiy samaralari haqida keng targibot-tashviqot ishleri olib borilmokda.

Prezidentimizning joriy yil 16 fevralda “2023 yilda kayta tiklanuvchi energiya manbalari va energiya tejavochi texnologiyalari joriy etishi jadvallashtirish choratadbirlari turgusida”gi qarori asosida berilgan imtiyozlar jolyarda “yashil energetika”ga utish ishlarini yangi bosqichga olib chikdi.

Byrigina Jizsax viloyatining Paxtakor tumani masolida oладigan bulsaq, hududda 15 848 ta isteъmolchi mavjud.

Ularнинг 15 168 nafari jismoniy va 680 tasi juridik shaxs sanaladi. Tumanning 2023 yilda elektr energiyasiga yillik talabi 98,7 million kilovatt-tun tashkil qiladi.

Xonadonimda 18 kilovattli kuvsh panelini urnatganman. Buning uchun uz mablagimdan tashqari, bankdan uzok muddatli 15 foizli imtiyozli kredit oldim.

Kayta tiklanuvchi energiya manbalari bilan foydalaniш afzalliklarini urnatish uchun uz mablagimdan tashqari, bankdan uzok muddatli 15 foizli imtiyozli kredit oldim.

— Qaror asosida joriy yil Jizsax viloyatidagi 498 ta ijtimoiy soxa obyekti va davlat idorasining 25 ming kvadrat metr tom kismiga 5 megavatt kichik kuvvatli qurilmalar, 8,3 ming litrli geliokollektorlar urnatildi.

4 milliard 300 million sumlik 2 ta kichik mikro hidroelektr stantsiyasi barpo etiladi.

Umuam, viloyatda kamida 2 ming megavatt kayta tiklanuvchi energiya manbalari uchun salohiyat bor.

— Qayta tiklanuvchi energiya manbalari bilan foydalaniш afzalliklarini urnatish uchun uz mablagimdan tashqari, bankdan uzok muddatli 15 foizli imtiyozli kredit oldim.

Kayta tiklanuvchi energiya manbalari urnatishning davlat tomonidan kulab-kuvvatlanishi, bu borada bir qator imtiyozlar berilishi tadbirkorlik subyektlarining ham bu soxaga etiborini oshirmokda.

Zarbdor tumandidagi elektr tarmoqlari korxonasi muxandisi Farhod Urovov hududda amalga oshirilayotgan ishlar haqida quyidagilarni aytib berdi.

— Aini paytda tumanimizdagi korxonada va tashkilotlarga kuvvati 222 kilovatt bulgan muqobil elektr

manbalari urnatilib, foydalaniшga topshirildi. Jumladan, tumanimizda birinchilardan bulib “Buston pal tri” MCHJ kuvvati 10 kilovattli, “Zarbdor parranda” MCHJ 20 kilovattli, “Zarbdor elevators” MCHJ esa 30 kilovattli kuvsh panelari urnatib, uzini elektr energiyasi bilan taъminlab kelmoqda.

Soxa muxassislarining xulosasiga kura, 2023-2025 yillarda dunyoning elektr energiyasiga bulgan talabi har yili 3 foizdan uysi boradi.

— Darhaqiqat, mamlakatimizda muqobil energiya manbalari rivojlanishi uchun keng imkoniyatlar mavjud.

Prezidentimizning yuqoridagi qarori esa maza kur soxani yanada rivojlanishi uchun hujjat asosini yaratdi, bu borada boslangan ishlar kulomini kengaytirdi.

— Buning natijasida davlatimiz tomonidan “yashil energiya”ni joriy etish buni uchun imkoniyatlar kучaygan.

Yashil energiya”ni joriy etish buni uchun imkoniyatlar kучaygan. Hozirgi investorlar, tadbirkorlar va aholining ham bu soxaga qiziqishi ortib borayпти.

Farhod NEЪMATOV, “Yangi Uzbekiston” muxbiri



USHBU MATERIALNI LOTIN EЪZUVIGA ASOSLANGAN UЪZBEK ALIFBOSIDA UQISH UCHUN MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING.

БИЗ ВА ДУНЁ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ АЛОҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бошланishi 1-бетда

Prezident Shavkat Mirziyev ikki mintaq urtasidagi uzaro manfaatli hamkorlikning ustuvor yunaliшlari, xususan, savdo-sotim, transport yulaklarini boglash, sarmoviy va texnologik sheriklik, raqamli aloqa, iqlim muammolariga qarshi kurashish va turizmni rivojlanishi haqida tuxtabilab utdi.

Uchrashuv yakunlari va Uzbekiston Prezidentining nutqi xalqaro ijtimoiy-siyosiy va ekspert-tahsil doiralari urtasida keng rezonansga sabab buldi.

Sharxlarda bugungi kunda Markaziy Osiy va Evropa Ittifoqi urtasidagi munosabatlar izchil rivojlanib borayotgani hamda ular aini paytda uz taraqqiyotining xal qiluvchi davrini bosdan kechirayotgani haqida fikrlar bildirilmoqda.

Шархларда бугунги кунда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораятгани ҳамда улар аини пайтда ўз тараққийотининг ҳал қилувчи даврини бошдан кечираётгани ҳақида фикрлар билдирилмоқда.

Йоанна МАРШАЛЕК-КАВА, Николай Коперник номидаги университетнинг сиёсий ташкilotлар кафедраси mudiri, профессор (Польша):



— “Markaziy Osiy — Evropa Ittifoqi” formatidagi mavjud munosabatlar hamda Uzbekiston rahbari va Evropa Kenashi Prezidenti Sharль Mishель urtasidagi uchrashuv va muzokaralar natijalaridan kurnib turib, Kirgizistonda bulib utayotgan maza kur Evroosiye qitъasining ikki eng muhim mintaqasida savdo-iqtisodiy, sarmoviy, ilmiy-texnikaviy va humanitar hamda xavfsizlik soxalarida, shuningdek, har tomonlama, ten hujukli va ishonchli sheriklik hamda hamkorlikni yanada rivojlanishi qaratilgan.

Ikkinchil sammit natijalari uni yuq deb atashga asos bulib, Markaziy Osiy davlatlari va Evropa Ittifoqi urtasida yangi turdagi munosabatlarini shakllanishi haqida gapirishga imkon beradi.

Uzbekiston Evropa kerakligi aniq va bu mubolaga emas. Maъlumki, Pольшa Evropa Ittifoqining bosha davlatlariga qaraganda Uzbek tixmachilik mahsulotlarini kuprok sotib oлаdi va ikki yil ketma-ket Uzbekiston

Ежи ШУКАЛЬСКИЙ, Польша Табиий ва гуманитар фанлар университети профессори, Марказий Осиё бўйича мутахассис:



— Марказий Осиёнинг асосий давлатлари — Uzbekiston va Qozoqiston xalqaro tashkilotlar va mintaqaviy tuzilmalar doirasidagi muhim muzokaralar borasida doimiy platformani ifodalaganini uchun xalqaro diplomatiya markazlariga aylandi.

Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари раҳбарларининг Kirgizistonda bulib utgan ikinchi sammiti yakunlarini, Markaziy Osiy va EI davlatlari rahbarlarining ana shunday formatda uchrashgani tufayli, muvaffaqiyatli va tarixiy deb atash mumkin.

Shu bilan birga, Uzbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyev va Evropa Kenashi Prezidenti Sharль Mishelnin uchrashuvi 2022 yil oktyabr oyida Toshkentda bulib utgan muzokaralar va erishilgan kelishuvlarin mantikiy davomi buldi.

Evropa Ittifoqining yuqori martabali rasmiyisi va Uzbekiston rahbarinining alohida

Карлос УРИАРТЕ, “Паневропа иттифоқи” ижтимоий-сиёсий харакатининг Испаниядаги ешлар қаноти раиси:



— Nazarimda, ushu sammit Evropa Ittifoqi va Markaziy Osiy mamalakatlari urtasidagi aloqalarini saqlab qolish va mustahkamlash uchun noъb va muhim maydondir.

Yashirmayan, sunngi besh yilda Uzbekiston ham MDX, ham Markaziy va Janubiy Osiening bosqa xalqaro formatlarida uz faoliyatini sezilarli darajada foylashtirdi. Ishonchim komilki, buti mamakatda yakinda bulib utgan va bulajak global voqealar tasdiqlaydi.

Umuam olganda, EI va Markaziy Osiy davlatlari urtasidagi ikki tomonlama munosabatlarning usib borayotgan dinamikasi istiqboldagi strategik hamkorlik uchun salmoqli salohiyat mavjudligini tasdiqlaydi.

uchrasuvi EI uchun rasmiy Toshkent Bryusselga naqadar muhim ekanini tasdiqlaydi.

Evropa Ittifoqi Uzbekiston Prezidentining Markaziy Osiyda unlab yillar davomida tuplabib qolgan qator muammolari hal etish va mintaqaviy xavfsizlikni taъminlash borasidagi sayb-harakatlarini yuksak baholaydi va kulab-kuvvatlaydi.

Uzbekistonning EI davlatlari, jumladan, Pольшa bilan savdo aylandmasi mamla kat “GSP+” imtiyozli savdo tizimiga kiriritilganidan кейin faol yusb bormoqda.

Yangi Uzbekistonda keng kulamli islohotlar davom etar ekan, Evropa Ittifoqi rasmiy Toshkent bilan amaliy hamkorlik va aloqalarni mustahkamlashga kumaklashmoqda.

Ishonchim komilki, Kirgizistondagi sammit yakunlari Uzbekiston bilan Evropa Ittifoqi urtasida Kenaytirilgan sheriklik va hamkorlik turgusidagi bitim imzolaniш uchun yaxshi asos bulib hizmat qiladi.

ни, шунингдек, республиканин ЖСтга тезроқ аъзо булшини kulab-kuvvatlashiga ishonch bildirmoqchiman.

Aytancha, ushu yunaliшda birinchi qadam allaqachon kuyilgan. EI Uzbekistonning xalqaro konvensiyalariga kuyilishi, jumladan, atrofmuditchi boschalar va inson hujuklari kabi soxalarda erishgan yuqurilari ni eъtirof etgan holda, Uzbekistonning savdo imtiyozlari, “GSP+” tizimidan foydalaniш imkoniyatini tulik kulab-kuvvatlaydi.

Uylaymanki, dunе misli kuyilmagan siyosiy va iqtisodiy muammolarga dua kelayotgan bugungi kunda Uzbekiston va Evropa Ittifoqi urtasidagi hamkorlikning ustuvor yunaliшlari biznes tuzilmalari bilan yangi aloqalar urnatish, investitsiya, savdo va logistika soxalarida hamkorlikni foylashtirish bulishi kerak.

Shu bilan birga, hamkorlik iqtisodiy masalalaridan tashqariga chikishi shart. Uzbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyev Чyлонотадagi nutqida tashkildagidek, ushu hamkorlik taъlim, sogliqni saqlash, iqlim, raqamli va “yashil” texnologiyalari qamrab olishi kerak.

Меҳмет Сейфеттин ЭРОЛ, Анкара Инқироэ ва сиёсат тадқиқот маркази “ANKASAM” директори:



— Men Markaziy Osiy va Evropa Ittifoqi davlatlari urtasidagi munosabatlarning rivojlanishi, ayniksa, Uzbekistonning EI bilan faol hamkorligini katta qiziqish bilan kutaman.

Sammit doirasida Uzbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyevning Evropa Kenashi Prezidenti Sharль Mishель bilan muzokaralari yangi Uzbekistonning taraqqiyot strategiyasini tashqi siyosat soxasida amalga oshirishning mantikiy davomi buldi.

Evropa Kenashi Prezidenti yangi Uzbekistonda amalga oshirilayotgan ortga kaytmas demokratiya uzariшlar va iqtisodiy islohotlar dasturini har tomonlama kulab-kuvvatlash turgusidagi baъnoti, shuningdek, konstitutsiyaviy referendumning muvaffaqiyatli utkazilgani bilan tabriklash yuqoridagi fikrinin erkin tasdiqidir.

Uzbekiston va EI rahbarlarining muzokaralarida uzaro tovar айирбошлаш hajmini oshirish va diversifikatsiya qilish, “GSP+” imtiyozli savdo rejimi davomiyligini uzaytirish, samarali transport yunaliшlarini, birinchi navbatda, Transkaspiy transit yulagini rivojlanishi buni keliшuvlariga erishilgani alohida ahamiyatga ega.

Ishonchim komilki, “yashil” energiya, innovatsiyalar va yuqori texnologiyalar, raqamlashtirish, ekologiya, taъlim, turizm va bosqa yunaliшlarda kushma dastur hamda loyihalarni amalga oshirishni foylashtirish nafaqat Uzbekiston, balki butun Markaziy Osiy mintaqasi uchun aholi farovonligini taъminlashga hizmat qiladi.

Виктор КИМ, Тожикистон Миллий фанлар академияси Осиё ва Европа мамлакатлари институти илмий ходими:



— Ushu uchrashuv Markaziy Osiy mintaqasida jawon iqtisodiyotini rivojlanishi va taъminlashning markazi sifatida yangi davr ochilgani tasdiqladi. Bu nafaqat Markaziy Osiening yagona mintaqasi sifatida, balki mintaqaning Evropa va Osiy urtasida boglovchi kuprik sifatida tan olinishi hamdir.

Prezident Shavkat Mirziyev va Evropa Kenashi Prezidenti Sharль Mishель urtasida 2 июнь kuni bulib utgan muzokaralar Evropa Ittifoqining Uzbekiston bilan yunaliшuvini uzarmasligini, shuningdek, yangi Uzbekistonda amalga oshirilayotgan demokratiya uzariшlar va iqtisodiy islohotlarin EI tomonidan tan olinishi va kulab-kuvvatlanishi tasdiqladi.

НУҚТАИ НАЗАР

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ



Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз!

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

МИЛЛИЙ ҒОЯ

халқни бирлаштирувчи ва ҳаракатга келтирувчи куч

ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИ

Байроғимизда Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз мужассам

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты



Давлат рамзлари ҳар бир халқнинг мустақиллиги, озодлиги, тинчлиги ва барқарорлиги тимсоли.

Бир юзидики икки юз эллика яқин давлат бор ва албатта, ҳар бир давлатнинг ўз рамзлари, байроғи мавжуд.

Бугунги кунда ҳам байроқ турли байрам тантаналарида, юртимиз делегациялари қатнашаётган халқаро миқёсдаги тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурури ва ифтихорини ёрқин акс эттиради.

2022 йил 18 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси илгари сурилган эди.

Амалдаги қонун миллий истиқлолимизнинг илк йилида, яъни 1991 йилда қабул қилинганига эътибор қаратсак, у даврдаги қарашлар ва ёндашувлар ҳозирга келиб тубдан ўзгарди.

Мансур МУСАЕВ, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар доктори



Бошланиши 1-бетда

Жаҳон геосиёсий майдонида глобаллашув жараёнлари кучайиши ҳамда замонавий ахборот технологиялари жадал ривожланиши кескин бурилиш ясамоқда.

Глобаллашув шароитида мафқуравий курашлар гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тур олаётгани оғох, сезгир ва

тарғиб этилмоқда. Натижада миллий рух, миллатнинг ўзига хослиги ва асрий қадриятларини зимдан емиришга замин яратилмоқда.

Шу ўринда бу хуружлар муайян кучлар томонидан кишилар қалби ва онгига ёт ғояларни сингдириш мақса-

нормал ҳаёт тарзи бузилишини назарда тутиб, сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг ғаразли ниятларидан келиб чиқади.

Ўз навбатида, мафқуравий хуружлар глобал масалаларни ҳам қамраб олади. Ушбу жиҳати билан у ҳозиргача мавжуд бўлиб келган глобал муаммоларнинг энг таъжубузор, энг бузғунчиси эканини англаш жоиз.

Шу ўринда бу хуружлар муайян кучлар томонидан кишилар қалби ва онгига ёт ғояларни сингдириш мақса-

ва прозелитизм ҳаракатлари тобора кучаяётганини айтиб ўтиш жоиз. Мазкур ҳаракатлар дунё миқёсида дин ва диний конфессиялар ўртасидаги кескинлик ва қарама-қаршиликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлаётир.

Миссионерлик ва прозелитизм таъриқида жиддий фикрлашни таъқоз этмоқда.

Миллий ғоя эзулиққа таянар экан, бузғунчи мафқурага қарши курашишда аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини ташкил этиш масаласи долзарблиши бораверади.

Мафқуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида курашда мактабнинг ўрни алоҳида. Шу боис, бугун юртимизда таълим-тарбия соҳасида кенг қуламли ислохотлар кечаётгани бежиз эмас.

Тарихан боланинг таълим-тарбиясига жуда назорат қилинган бўлиши билан, мафқуравий хуружларга қарши курашда мактабнинг ўрни алоҳида.

Мафқуравий хуружларга қарши курашда мамлакатимизнинг миллий ғояси ҳар биримизга келажакка ишонч, мадад, куч-ғайрат, шижоат бериб, халқимиз ва миллатимизни улугвор ва бунёдкор ишларга, Ватан, миллат, мустақиллик ҳимояси йўлида бирлашишига сафарбар этади.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Биз яратаятган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафқура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган".



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

хушёр бўлишни талаб этмоқда. Дунё миқёсида юз бераётган энг хавфли ёвуз иллат мафқуравий хуружлар ўзга бир давлат фуқароларининг қалби ва онгини забт этиш, мафқурасидан воз кечтириш орқали "ўзгача" мафқураларни онгига сингдиришда намоён бўлмоқда.

Бугун шиддат билан ўзгараётган дунёда маънавий тубанлик таъсири оқибатида маданиятсизлик, эътиқодсизлик каби қатор "таълимотлар" ошқора, баъзан эса яширин тарзда

диди уларнинг хиссиётлари, эътиқоди ва туйғуларига таъсир кўрсатишда жамият турмуш тарзи ва менталитетдаги ўзгаришларни теран англаган ҳолда ғоявий-мафқуравий, руҳий таъсир ўтказишда ноанъанавий ва ноҳолис усуллардан фойдаланиб, ўзларининг ғаразли мақсадларини "пухта" режалар асосида амалга оширишни англаш лозим.

Ғаразли эканини фарқлаш оson бўлмапти. Мана, интернетни оsonлик, унда нималар йўқ, ҳамма нарса бор. Ёлғон ҳам, тўғри нарса ҳам. Ҳатто одамларнинг курақда турмайдиган расво фикрларини ҳам интернетдан топиш мумкин.

Мамлакатимизда мазкур ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида "экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш, яъни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга имкон берадиган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали давлат сиёсатини амалга ошириш, ёт ғоялар таъсирининг олдини олиш ва улар таъсирига тушиб қолганлар билан тизимли ишлаш орқали улар муаммоларини бартараф этиш, аҳоли, айниқса, ёш авлодда терроризм ва экстремизм мафқурасига қарши қатъий ва барқарор иммунитетни шакллантириш" масаласи белгилаб берилган.

Шу ўринда XXI асрга келиб мафқура полигонларида ўзида ёвуз ва бузғунчи ғояларни намоён этувчи миссионерлик





yuz.uznews yuz\_official

### ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

# ТИРБАНДЛИКЛАР

# БАРТАРАФ ЭТИЛИШИ

## ПОЙТАХТИМИЗ ҲАВОСИНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ЯХШИЛАЙДИ?

Бошланиши 1-бетда

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг маълум қилишича, транспорт воситалари сони кундан-кун ўсгани натижасида ташла-малар миқдори 2022 йилда 2021 йил-дагига нисбатан 26 минг тоннага кўпайган. Бунга фойдаланиладиган ёнгли турининг сифати, аҳолининг жамоат транспортидан кўп фойдаланмаслиги, автотранспорт воситалари техник соғлиғига етарли даражада эътибор қаратилмаслиги каби омиллар асосий сабаблардир.


Автотранспорт воситаларининг техник носозлиги ва бошқа салбий жиҳатлар аянчи-ли оқибатларга ҳам олиб келяпти. Мазлу-мотларга қараганда, йўл ҳаракатини ташкил этишда техник воситаларнинг сифати пас-тиглиги сабаб 2022 йилда 9 минг 902 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган ҳамда уларда 9 минг 606 фуқаро жароҳатланган. 2023 йилнинг дастлабки 4 оyi давомида эса 2 минг 144 та йўл-транспорт ҳодисаси оқи-батда 499 фуқаро ҳаётдан кўз юмган.

— “Тоза ҳаво” ойлигининг дастлабки босқичига доир тадбирларни ИХХБ ин-спекторлари билан ҳамкорликда пойтахти-миздаги йўл-патруль масканлари ва бе-восита автопаркларда ўтказдик, — дейди Тошкент шаҳар экология, атроф-муҳит-ни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бош мутахассиси Дилрабо Раҳмонова. — Бунга мобил экологик ла-бораториямизни ҳам жалб этган ҳолда, 11 минг 78 та автотранспорт воситасидан атмосферага ташланаётган зарарли газ-лар миқдори текширилди. Уларнинг 408 тасида меъёр бузилиши аниқланди ва а-қсари автопаркларнинг узйда соғланди.

Республика бўйича жамланган маълумотларга кўра, ойлик давомида 161 минг 537 та автотранспорт воситаси қамраб олинган ва шундан 153 минг 761 тасида токсиклик даражаси, 7 минг 776 тасида тутун қуюқлиги текширилган. Уларнинг 2,7 фоизда ишлатилган газларнинг ифлослантурувчи моддалари миқдори ўрнатилган меъёрлардан юқори экани аниқланган.

Тадбир давомида ишлатилган газлар-да ифлослантурувчи моддалар давлат стандартларининг белгиланган нормала-рини кўпол равишда бузган 1 минг 549 та автотранспорт ҳайдовчисига нисбатан йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимла-ри томонидан Мазмурий жавобларни тў-ғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари билан 246 миллион 225 минг сўм жарима

қўлланди ҳамда 1 минг 525 тасининг ҳара-кати вақтинча чекланди. Утказилган тадбир туфайли юртимиз ҳавоси бир оз бўлса-да мусаллашди.



Ҳисоб-китобларга қараганда, аҳолининг кундалик ҳаракат эҳтиёжи олти миллион катновни талаб этади. Бу эҳтиёжнинг 1,5 миллиони автобус, микроавтобуслар ва



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Лекин транспорт инфратузилмасини за-монавий даражага етказмасдан, хизмат сифа-тини тубдан яхшиламасдан туриб асосий мақсадга эришиб бўлмайди.

### Йўловчиларга хизмат сифати қандай яхшиланади?

— Сўнгги йилларда Тошкент шаҳри ҳар томонлама ривожланыпти, — дейди Транспорт вазирлиги хузуридаги Бош лойиҳа офиси раҳбари Муроджон Оби-дов. — Муқим аҳоли, вақтинча яшов-чилар, сайёҳлар, талабалар сони ҳам тобора ошиб борапти. Ҳозирги кунда пойтахтда 3 миллион атрофида муқим аҳоли яшаётган бўлса, уларнинг 1,3 миллиони доимий иш жойига эга.

метро, қолган қисми 800 мингга енгил ма-шина воситасида қопланапти. Шу боис, автобуслар етишмаслиги, қутиш вақти кўп-лиги ва тирбандлик каби муаммолар юзга келяпти.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил 13 декабр-да пойтахтимиздаги 18-автобус саройида бўлиб, аҳолини ўзи кўрган, янги автобуслар олиб келиш ва йўловчиларга қўлайликларни ошириш бўйича топшириқлар берган эди. Шундан келиб чиқиб, жорий йил 16 феврал-да Президентимизнинг “Жамоат транспор-ти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тў-ғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга асо-сан, апрель-май ойларида Тошкент шаҳри-га 755 та замонавий автобус олиб келиниб, йўловчилар энг кўп йўналишларга қўйил-ди. Натижада автобусларнинг кунлик сони 1 минг 400 тага етди, 9 та қўшимча йўналиш очилди. Табиийки, йўловчи ташвиш қува-ти ошиб, автобуслар қатновининг оралиқ вақти қискарди. Яқин кунларда яна 245 та автобус келтирилади.

### Брутто шартномаси тизими нима беради?

Мамлакатимизда автомобиллашган-лик даражаси 1000 кишига 86 та, Тошкент шаҳрида эса 240 тага тўғри келишини ҳисобга олсақ, ҳали енгил транспортда ҳаракатланаётган аҳолининг асосий қисми шахсий транспорт воситасига эга эмаслиги-



РАКАТЛАНАОТГАН ТРАНСПОРТ ОҚИМИ КАМАЙТИРИЛМАГАН ҲОЛДА ҚАЙД ЭТИЛГАН САМАРАЛАРГА ЭРИШИШ МУМКИН.

Президентимиз шу йил 26 май куни пойтахтда бу борада амалга оширилаёт-ган ишлар, Тошкент шаҳрининг янгиланган транспорт бош режаси билан бевоасита та-нишди. Қайд этилганидек, режа шаҳарнинг кенгайиши ва йўловчилар оқими таҳлили асосида 167 та йўналишдан иборат тарзда ишлаб чиқилган. Шундан 17 тасида кунлик режа белгилаш тартиби бекор қилиниб, бо-сиб ўтилган масофага қараб ҳисоб-китоб тизимига ўтилган. Июнь-июль ойларида қолган 150 та йўналиш ҳам тендер савдо-лари орқали шундай тизимга ўтказилиши қатновлар мунтазамлигини таъминлайди, ўз навбатида, хизмат сифати ошади.

Давлатимиз раҳбари йўлқари тўло-ви тизимини тартибга солиш, ҳаракат назо-ратини рақамлаштириш, бекатларда ша-роитларни яхшилаш бўйича кўрсатмалар бериб, жумладан, бундай деди: “Янги ав-тобуслар, албатта, халқимизга қўшимча шароит яратди. Эндиги вазиға йўллар-да тирбандликни камайтириб, автобу-сларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш. Пировард мақсад — Тошкентда жамоат транспорти қамровини 2 миллион йўлов-чиға етказиш”.

### Бозор мантиғи асосида иш юритилганда ...

Мутахассислар фикрича, аслида, ҳаво сифатини яхшилаш ва тирбандликнинг ол-дини олишда бозор мантиғи асосида иш тутишининг самараси катта. Буни жаҳон та-жрибаси ҳам тасдиқлайди. Масалан, Лондон шаҳрида тирбандлик авж олган соатларда машина ҳайдаш нархи ошириб қўйилди. 2003 йили соат 07:00 дан 18:00 оралиғида Лондон марказидаги йигирма бир квадрат километрли худудга кирадиган ҳайдовчилар учун 5 фунт стерлинг (8 доллар) миқдорда тўлов белгиланди. Йиллар мобайнида бу миқдор ошиб бориб, 2020 йилда 15 фунт стерлингга етди. Ўз навбатида, тўлов эвази-га кириладиган худуд кенгайтирилди. Етти юзга яқин жойда ўрнатилган видеокамера-

рақатланаётган транспорт оқими камай-тирилмаган ҳолда қайд этилган самараларга эришиш мумкин.

РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ЖАМЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, ОЙЛИК ДАВОМИДА 161 МИНГ 537 ТА АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ҚАМРАБ ОЛИНГАН ВА ШУНДАН 153 МИНГ 761 ТАСИДА ТОКСИКЛИК ДАРАЖАСИ, 7 МИНГ 776 ТАСИДА ТУТУН ҚУЮҚЛИГИ ТЕКШИРИЛГАН. УЛАРНИНГ 2,7 ФОИЗИДА ИШЛАТИЛГАН ГАЗЛАРНИНГ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАРИ МИҚДОРИ ЎРНАТИЛГАН МЕЪЁРЛАРДАН ЮҚОРИ ЭКАНИ АНИҚЛАНГАН.

### БУНЁДКОРЛИК МАНЗИЛЛАРИ

# МУРАККАБ ИНШООТНИНГ БЕМИННАТ ХИЗМАТИ

Айни пайтда уч миллион киши истиқомат қилаётган пойтахтимизда аҳоли сони ҳар йили 100 минг нафарга ортиб бормоқда. Тошкентга бир кунда 1,4 миллион киши келиб-кетади. Шунга мос равишда улар фойдаланадиган автомобиллар, хизмат кўрсатаётган транспортлар сони ҳам кўпаймоқда.


Шу боис, бугунги кунда наинки пой-тахтимизда, балки унга туташ худудлар-да йўл-транспорт иншоотларини қуриш долзарб вазифага айланган. Бундан кўз-ланган асосий мақсад аҳолининг узогини яқин қилиш ҳамда тирбандликнинг олдини олишдир. Бу ишларга “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарру-фидаги “Кўприкқурилиш трести” унитар корхонаси жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, трестнинг “13-кўп-риққурилиш отряди” жамоаси томонидан Зангиота туманидаги Назарбек шаҳарчаси худудидан ўтган темир йўл ва автомобиль йўллари кесимишасида барпо этилаётган замонавий йўл ўтказкич фойдаланишга топширилган, минглаб юртдошларимиз-га катта қўлайлик яратилди, уларнинг қимматли вақти тежалди. Ушбу кучада транспорт воситаларининг ўтказувчанлиги ҳам кескин ошди.

Сўнгги йилларда Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги Назарбек шаҳарча-сида ҳам аҳоли сони сезиларли даражада ортди. Бугунги кунда унинг худудидаги 13 маҳаллада 33 мингдан зиёд аҳоли истиқо-

нат қилади. Шаҳарчада ва Зангиота тум-анида яшовчи аҳоли, қўшни қозғистонлик қардошлар Тошкент шаҳрига асосан 4Р253 автомобиль йўли орқали бориб келади. Транспорт сонининг ортиши, айниқса, ушбу худуддан ўтувчи темир йўл ва автомобиль йўли кесимишасининг вақти-вақти билан ёпи-либ туриши ва узундан-узққ тирбандликлар келиб чиқиши сабабли пойтахтимиз ҳамда унга туташ манзилга қатнов тобора қийн-лашиб бормоқда.

Бунинг биринчи сабаби — поездларнинг кундалик ҳаракати, тепловозларнинг ман-ёврлари туфайли “Назарбек” темир йўл станцияси худудидан ўтган автомобиль йўли муайян муддатга ёпиб қўйилишидир. Бундай ҳолатлар эрталаб ва кечқурунга тўғри келиши сабабли Тошкент шаҳрига бораётган ва ундан қайтаётган аҳоли ав-тотранспортларидан иборат катта тирбандлик ҳосил бўлади.

Ушбу худудда яшовчи юртдошларимиз-дан тушган кўп-лаб муражаатлар инобатга олинган ҳолда, Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги “2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ри-вожлантириш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги фармоишига асо-сан, “4Р253” Тошкент шаҳри — Туркистон ш/х — Қозғистон Республикаси чегараси” автомобиль йўлининг 3 километридаги темир йўл устидан йўл ўтказкич қуриш” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, “Уму-мий фойдаланишдаги автомобиль йўл-ларини қуриш ва реконструкция қилиш

дирекцияси” давлат унитар корхонаси буюртмачи сифатида белгиланди. Лойиҳа эса “Йўл-лоиҳа бюроси” масъулияти чек-ланган жамияти томонидан тайёрланди. Бош пудратчи этиб “Кўприкқурилиш трес-ти” унитар корхонаси таркибидаги “13-кўп-риққурилиш” отряди танланди.

Мазкур лойиҳа анча мураккаб ечимга эга. Унга бинаван, энг аввало, темир йўл ва автомобиль йўли кесимишасида умумий узунлиги 398 метр, кенлиги 22 метр, кўприк

ости баландлиги 7 метр бўлган йўл ўтказ-кич, унинг устидан эса узунлиги 21,8 метр, кенлиги 18,5 метриги уч изли темир йўл кўпригини қуриш, улар кесимишасида яна узунлиги 28 метр, эни 12,5 метрдан иборат автомобиль йўли ўтказкичининг барпо этиш режалаштирилганди. Бунинг учун иншоотга туташ бўлган 23 та уй-жой, тадбиркорлик субъекти биноларини кўчириш зарур эди.

— Даставвал тажрибали мутахас-сисларимиз билан лойиҳанинг ҳар бир жиҳатини пухта ўрганиб, замонавий техникаларда тўп-роқ ишларини бажар-дик, — дейди “13-кўприкқурилиш отря-ди” мутахассиси Бекзод Шералиев. — Шундан сўнг мустаҳкам темир-бетон пойдеворлар босқичма-босқич тайёр-ланди ва лойиҳа бўйича ётқизилади. Узунлиги 21,80 метрлик икки йўлакчи темир йўл кўприги қуриб битказилиши билан поездлар ҳаракати йўлга қўйил-ди. Эътиборисини, зарурат туғилганда, 3-темир йўл йўлагини қуриш учун ҳам муҳандислик шароитлари яратилди.

Бундан ташқари, ер ости, яъни авто-мобиллар ҳаракатланадиган қисмида ноқулай об-ҳаво шароитида, хусусан, меъёридан ортиқ ёмғирни кунларда сув тўпланиб, транспорт воситалари ҳара-катланишини қийинлаштирадиган ҳо-латлар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида сувни чиқариб ташловчи на-сос станцияси қурилди. Ёмғир суви йўл

остиға ўрнатилган 28 тонналик махсус захирада йиғилади ва улар насослар ёр-дамида чиқариб ташланади.

Тўғри, аҳоли яшаш жойлари ва тадбир-корлик субъектлари бинолари, қурилиш ҳу-дудидан ўтган коммуникация тармоқларини кўчириш анча вақт талаб қилди. Бу масала-лар Тошкент вилояти ҳокимлигининг яқин-дан кўрсатган амалий ёрдами ва геодезия мутахассислари билан ҳамкорликда ҳал этилди.

Лойиҳа доирасида объектда жами 7,6 минг кубометр бетон, 104 минг кубометр тўп-роқ ва 3,4 минг тонна асфальт ётқиизиш ишлари олиб борилди. Автомобил ва те-мир йўл ўтказкичларида 42 та темир-бетон оралиқ қурилма, йўл ўтказкичда 521 та тир-каг девор монтаж қилинди, 90 та ёритиш устуни ҳамда 648 метр ҳимоя тўсиқлари ўрнатилди.

Эндилкида иншоотни қуриш даври-да маҳаллий аҳолининг айланма йўллар орқали юриши, вақт ва маблағ йўқотиш-лари сабаб бўлган қийинчиликлар ҳам ортда қоляпти. Унинг фойдаланишга топ-ширилиши маҳаллий аҳоли ва ушбу йўл-дан ўтиб қайтаётганларнинг қимматли вақтини тежаш, автобуслар тирбандли-гининг олдини олиш бораберида, атроф-муҳит экологияси яхшиланишига ҳам хиз-мат қилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, бир кеча-кундузда ўртача 10 мингга ав-тотранспорт воситасининг узлуксиз қатнови таъминланади.

Рустам ҲАЙДАРОВ, журналист



